

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЧИЛИК МАСАЛАСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (ИЛК ЎРТА АСРЛАР)

Аҳмедова Дилафруз

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

II курс магистранти

Annotatsiya

Мазкур мақола Марказий Осиёнинг туркий давлатчилик масаласига доир айрим мулоҳазалар (илк ўрта асрлар) масаласига бағишланган бўлиб, унда туркий давлатлар Марказий Осиё давлатчилиги тарихи, ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Туркий қабилаларнинг бирлашуви ва жипслашувига кенг имконият яратиб, Марказий Осиёдаги айрим туркий халқларнинг шаклланишувига асос бўлганлиги баён қилинган.

Марказий Осиёнинг қадимги ҳудудларида жуда кўп туркий қабилалар уюшмалари бўлган. Улар ҳукмронлигидаги бирлашмалар туркий давлатчилиكنинг илк илдизлари саналади.

Илк ўрта асрлар тарихида кўчманчи туркий қабилаларнинг катта қисми кенг ҳудудларга ёйилиб, баъзи қисмлари ўтроқлашиб шаҳар ва қишлоқларда яшаганлар.

Мўғулистон, Жанубий Сибир, Шимолий Хитой, Олтой ва Тяньшан тоғлари оралиғидаги ҳудудлар аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилувчи этнос бўлиши билан бирга туркийлар Шарқий Туркистон, айниқса, унинг шимолий ҳудудлари, Еттисув, Фарғона, Чоч, Ўрта ва Қуйи Сирдарё ҳавзалари, Оролбўйи, Волга–Урал бўйлари, Шимолий Кавказ ва Қора денгизнинг шимоли-шарқи, Хуросон, Шимолий Афғонистон ва Тохаристон нуфусининг сезиларли бир қисмини ташкил этувчи этнос сифатида ўз мавқеига эга эдилар[1].

Бу туркий этносларнинг илк ўрта асрлар тарихида Кушон салтанати, Хионитлар ва Эфталитлар давлатларининг тарих саҳнасига чиқишида у ёки бу даражада алоқадорлигини алоҳида таъкидлаш мумкин[2].

Илк ўрта асрлар даври хионитлар, эфталитлар давлати унчалик мустаҳкам бўлмаганлигидан узоқ яшамаганлиги тарихдан маълум. Бироқ, улар асос солган бу давлатчилик

тартиблари бир неча кўчманчи туркий халқларни бирлаштириб Турк хоқонлиги давлати асосларини яратган.

Хитой манбаларида эфталитларни турклар (тукюе) билан боғлиқ равишда таърифлайдилар[3]. Византиялик тарихчилар, масалан Прокопий (VI) эфталитларни хунлардандир, таналари эса оқ деб эслатади.

Эфталитларнинг этник келиб чиқиши масалалари анча мураккаб ҳисобланади. Бу мураккаблик шу билан изоҳланадики, араб манбалари ва тангашунослик маълумотлари эфталитлар подшолари фақат туркларга хос бўлган унвон –**тегин, хоқон** унвонлари билан тилга олинади[4]. Шу билан биргаликда тангаларда акс этган подшолар аниқ европоид ирқини беради. Бу ҳолатлар айрим тадқиқотчиларнинг эфталитларни туркий халқлар деб ҳисоблашларига асос бўлган.

Прокопий Кесарский эфталитлар ҳақида шундай маълумот беради: “эфталитлар хун кабилалари бўлиб, барча хунлар ичида улар ягона оқ танлидир. Турмуш тарзи жиҳатидан ҳам улар бошқа хунларга ўхшамайдилар ва бошқа хунларга ўхшаб ҳайвонлардек яшамайдилар. Улар битта подшо бошқарувида турадилар. Бу подшо римликлар ва бошқалардан қолишмайдиган ҳолда аҳолига ғамхўрлик кўрсатади, ўзаро ва қўшинлар билан бўлган муносабатларда адолат мезонларига амал қилади”.

V асрда яшаган Лазар Парбский эфталитларни етти қабиладан иборат массагетларнинг етакчи уруғларидан бири эканлиги ҳақида маълумот беради. Хитой манбаларида эфталитларнинг юечжиларнинг бошқа бир кўриниши ёки қанғуй қабиласининг бир тармоғи, яъни қанғилиларнинг авлодлари сифатида талқин қилинади. Ундан ташқари, ўзларини *алхонлар* деб атаган эфталитлар Бактрия Тохаристон ерларида яшаб ўтган азалий бактр қабиаларидан чиққан этник гуруҳ эканлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Умуман олганда, эфталитларнинг туркий халқлар эканлиги ҳамда уларнинг ҳақиқий ватани Бактрия Тохаристон эканлигини эътироф эувчи олимлар кўпчиликини ташкил этади[5]. Мана шу фикрларга асосланиб, туркий давлатчилик негизлари илк ўрта асрлар даврида вужудга келган ва Турк хоқонлиги давлатининг ташкил топиши ҳамда уни узоқ муддат тарих сахнасида ҳукмронлик қилишида асосий роль ўйнаган деган фикрни айтиш имконини беради.

Турк атамаси даставвал этник хусусиятга эга бўлмай, ижтимоий маънога эга бўлган, *кучли, бақувват, ботир* маъносини берган. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, ўз жамоасида кучли, турли тоифалар билан қувватланган, ботир шахслар ҳукмдорлик мартабасига кўтарилган. Бумин Турк элининг хоқони сифатида оқ кигизга ўтказилиб кўтарилади. Хитой манбаларига кўра, туркийлар хонни тахтга ўтказишда махсус маросим ўтказишган. Амалдорлар бўлажак хонни кигизга ўтказиб, қуёш юриши бўйлаб 9 маротаба айлантирганлар, иштирокчилар уни қутлаб, улуғлаб турганлар. Сўнгра хонни отга ўтказиб, бўйнига ипак мато боғлаганлар. Бундай

маросимлар туркий давлатчиликлнинг асослари ҳисобланиб, ривожланган ўрта асрлар даври давлатчилиги тарихида узоқ йиллар сақланиб қолганлиги ҳам унинг бардавомлигини кўрсатади.

Давлатни бирлаштирувчи шахс ҳокон ҳисобланган. Ушбу тизимда аксарият ҳолларда тахт отадан ўғилга эмас, акадан укага, амакидан жиёга қолган. Тахт меросхўри тегин(шахзода) деб юритилган[6]. Бундай бошқарув тизими бошқарувнинг узоқ муддат сақланишини таъминлаган. Лекин кейинги давлрларда бу анъананинг бир оз бузилганлигини туркий давлатчиликда мерос отадан ўғилга ўтилиши билан шахзодалар ўртасидаги курашларни давлат таназзулининг сабаблардан бирига айланганлигини хонликлр даври тарихидан биламиз.

Ҳоконликлнинг таркибидаги кўплаб қабила ва элатларни бирлаштириш ва бошқариб туриш, улардан маълум миқдордаги солиқлар ва ўлпонларни ўз вақтида йиғиб олиш мақсадида ҳоконликда махсус маъмурий ва ҳарбий сиёсий бошқарув тизими жорий этилган эди. Давлатни бошқаришда олий ҳукмдорларга унинг яқин қариндошлари, авалло, ҳукмрон сулола аъзолари ҳамда улар томонидан барпо этилган бошқарув тизимига ёрдам берар эди. Турк ҳоконлигининг марказий бошқарув тизими асосан йирик сиёсий давлат тадбирлари (давлат осойишталигини сақлаш, давлат сарҳадларини кенгайтириш, солиқ тизими, ички ва ташқи савдо, дипломатик муносабатлар) билан машғул бўлиб, ўзлари забот этган ҳудудлардаги бошқарув тизимига маълум даражада эркинлик берилган. Бундай эркинликлр маҳаллий сулолала вакиллариининг норозилик кайфиятиниинг олдини олган ва давлатни узоқ бошқариш имконини берган. Гарчи туркий давлатларнинг кейинги давлрларда бошқа бошқинчилар томонидан бир неча бор босиб олинишига қарамасдан, туркий давлатчилик анъаналари сақланиб қолаверган.

Хулоса қилиб айтганда, туркий давлатлар Марказий Осиё давлатчилиги тарихи, ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Туркий қабилаларнинг бирлашуви ва жипслашувига кенг имконият яратиб, Марказий Осиёдаги айрим туркий халқларнинг шаклланишувига асос бўлган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

- [1] М. Исҳоқов. “Тарихчи, тарихчилик маъсулияти”. Турон академияси Ахборотномаси. 2013
- [2] Кляшторный С. Г. Формы социальной зависимости в государствах кочевников Центральной Азии // Рабство в странах Востока в средние века. – М., 1986. – С. 336–337; Кляшторный С. Г. Генеалогия и хронология западнотюркских и тюркешских каганов VI-VIII вв. // Из истории дореволюционного Киргизистана. - Фрунзе: Илим, 1985. - С. 165-168.
- [3] Ходжаев А. “Сведения о Ташкенте в китайских источниках древнего периода. Сведения “Шицзи” (Исторические записки)” “Ўзбекистон тарихи” № 3 Тошкент 2009
- [4] Сагдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 31.
- [5] Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув. Т., Янги аср авлоди, 2012. 158 - 173б.
- [6] Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк ҳоконлигининг бошқарув тизимига доир // Шарқшунослик. Ғ Тошкент, 2008.-№13. - Б.4-16